2015 йил 20 июль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 147 (12.960)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!»** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни ишлаб чиқишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин:

мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган бекиёс имкониятлар очиб берганини кенг акс эттириш;

Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ночор иқтисодиётдан, «шок терапияси» каби номаъқул моделлардан бутунлай воз кечиб, машҳур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини аниқ таҳлиллар орқали очиб бериш;

яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганини кўрсатиш;

тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинганини атрофлича ёритиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривожи учун кенг йўл очиб берилгани, бугунги кунда фермер хўжаликларимиз нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётгани, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бораётганини кўрсатиб бериш;

1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,6 карра, картошка – 1,7 марта, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 карра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талқин этиш;

мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани ва бошқа мисоллар орқали юртимизда бу соҳа жадал ривожланиб, ўрта синф – мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганини намоён этиш;

ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётганини бу борадаги амалий ишларимизнинг яққол самараси тариқасида акс эттириш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бораётганини, биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ортганини мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ишларимизнинг мантиқий натижаси сифатида кўрсатиш;

замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини очиб бериш. Шулар қаторида фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани ва бошқа мисолларда соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганини ёритиш;

юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратиш;

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ва бошқа мисоллар ёрдамида юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатларини теран очиб бериш;

биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганига алоҳида урғу бериш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш ва тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

6. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина», Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Бадиий академия ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда «Энг улуғ, энг азиз», «Ватан учун яшайлик», «Ранглар жилосида – она диёр» каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 17 июль*

## XXI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.**

**• Нукусда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилаётган алоҳида эътибор, уларнинг ижодий изланиши йўлида яратилаётган имкониятлар юксак самаралар бермоқда.**

**• Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиа-тур ташкил этилди. Медиа-тур иштирокчилари Гулистон шаҳридаги 12-, 21-мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳлар фаолияти билан танишди.**

**• Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика танловининг «Йилнинг энг фаол ёш геологи» йўналиши бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг геология йўналиши бўйича ўтган финал босқичида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ўн нафар ёш мутахассис олиб бораётган илмий изланишлари билан иштирок этди.**

**• Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги 1-сон академик лицейида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган 150 дан зиёд ёш тадбиркор ўз бизнес режаси билан иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Тель-Авивга қўниш чоғида Россия самолётининг шинаси ёрилиб кетди. Ҳодиса Москвадан Тель-Авивга йўл олган самолётда рўй берди. Исроил пойтахтидаги Бен-Гурион аэропорти диспетчерлик минораси қўниш чоғида ҳаво кемасининг олд шассисидан тутун кўтарилганини қайд этган. Шу сабаб самолёт ёнига зудлик билан тезкор хизмат машиналари етиб келган. 129 нафар йўловчи ўз вақтида самолётдан аэропорт биносига кўчирилган, улар орасида жабрланганлар йўқ.**

**• Facebook Messenger мобиль дастуридан энди барча, жумладан, Facebook тармоғига кирмайдиганлар ҳам фойдаланиши мумкин. Бу ҳақда компанияда дастурларни ривожлантириш бўйича масъул бўлган мутахассис Дэвид Маркус маълум қилган. Олдинроқ дастурдан Facebookда аккаунт очмай фақат АҚШ, Канада, Венесуэла ва Перу аҳолисигина фойдаланиши мумкин эди. Энди бундай имконият, яшаш жойларидан қатъий назар, ўзларига дастурни ўрнатган барча смартфон эгаларида пайдо бўлди.**

**• Колима вулқонининг фаоллашгани сабабли Мексикада табиий офатлар жамғармаси томонидан фавқулодда вазият эълон қилинди. Мамлакат ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, жамғарма томонидан илк бор вулқон фаоллиги сабабли фавқулодда вазият эълон қилинмоқда. Бир ҳафта аввал Колима вулқони тўсатдан ҳаракатга келган, шу боис яқин атрофдаги аҳоли пунктларидан юзлаб кишилар кўчирилган.**

## МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

### 1996 йил 19 июлда конвейердан дастлабки ўзбек автомобили чиқди



Асака автозаводи конвейеридан дастлабки автомобиль чиққанидан буён атиги ўн тўққиз йил ўтди. Айни пайтда юртимиз йўллари ва кўплаб давлатлар автомагистралларида кечаю кундуз ҳаракатланаётган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остидаги юз минглаб машиналар иқтисодиётимизнинг самарадорлиги ва юксак салоҳиятини намойиш этмоқда.

1996 йил 19 июль мустақил тараққиётимиз тарихида муҳим санадир. Айнан шу куни Асакадаги автомобиль заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун ҳам ўзига хос воқеага айланди. «Мустақил мамлакатимиз тараққиёт йўлидан собит бормоқда. Бу йўлдаги илк ғалабаларимиздан бири – мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармоқ – автомобиль саноатининг яратилиши бўлди», деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Автомобилсозлик иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиётнинг асосий йўналишларидан биридир. Бу соҳада салмоқли натижаларга эришиш учун, биринчи навбатда, кенг кўламли вазифаларни ҳал этиш, яъни рақобатбардош ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич ошириш, истеъмолчилар истакларини инобатга олган ҳолда, машиналар русумини мунтазам янгилаш, автомобилларнинг кенг турдаги таркибий қисмларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш зарур.

Экспертларнинг таъкидлашича, ушбу вазифаларни давр талабига мувофиқ технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимиз бу қадар кенг кўламли ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида айнан шу йўлдан борди ва бунда юқори технологик лойиҳаларни ривожлантириш борасида кўп йиллик тажрибага эга Корея Республикасини стратегик шерик сифатида танлади.

(Давоми 2-бетда)

# МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Корея Республикасига амалга оширган ташрифи чоғида миллий автомобилсозлигимиз пойдеворига асос солинди. Орадан кўп ўтмай «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Корея Республикасининг «Daewoo Motors» корпорацияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобиллар йиғиш ва ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Шундай қилиб, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» автомобиль заводи қурилиши бошланди. Йирик автомобиль заводининг ишга туширилиши билан қатор ишлаб чиқаришга доир ва ижтимоий вазифалар ҳам ҳал этилди. Чунончи, минглаб қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринлари яратилди. Дастлаб етти кўринишдаги «Nexia», «Damas» ва «Tico» енгил автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича учта линия ишга туширилди. Бу харидорларга ушбу автомобилларнинг кенг турини тақдим этиш имконини берди.

Асака автомобиль заводи ўз фаолияти кўламини йил сайин кенгайтириб борди. 2001 йилнинг май ойида конвейердан икки юз эллик мингинчи автомобиль чиқди. Албатта, миллий автомобилсозлигимиз бу билан чекланиб қолгани йўқ. Янги автомобиль моделларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилди. 2001 йилнинг август ойида «ЎзДЭУавто» «Matiz» автомобили, 2002 йилнинг сентябрида янги русумдаги «Nexia DOHC» седанини ишлаб чиқаришни бошлади. Қўшни давлатлар, жумладан, Россия бозорида кўп йиллар мобайнида мазкур автомобиллар талаб нуқтаи назаридан рейтингларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, «Matiz» автомобили Россия бозорида бир неча бор «Йил автомобили» сифатида эътироф этилди. Кейинчалик компания сифат, пешқадамлик, илғор технологиялар ва инновациялар учун International Quality Summit – New York халқаро мукофотига сазовор бўлди.

2003 йилда автомобиль саноатимиз «Lacetti» русумидаги автомашина ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Компания шу тариқа ҳар йили харидорларни янгиликлар билан хушнуд этиб келмоқда. 2004 йилнинг декабрь ойида бир литр ҳажмли двигатель ва автоматик узатиш қутисига эга «Matiz Best» автомобили, 2006 йилнинг февралидан янги «Damas II» автомашинаси ишлаб чиқарила бошланди.

2007 йил миллий автомобиль саноатимиз учун ўзгаришларга бой бўлди. Шу йили «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси нуфузли «General Motors» компанияси билан ҳамкорлик ҳақида битим имзолади. Ушбу битимда «Nexia» ва «Matiz» автомобилларини модернизация қилиш ишларини амалга ошириш, заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини маҳаллийлаштириш, янги русумдаги автомашиналар ишлаб чиқариш назарда тутилган эди. Бунинг самарасида автомобиль бозорида EURO 3 стандартидаги двигатель билан жиҳозланган «Nexia» ва «Matiz» автомобиллари пайдо бўлди.

2008 йилнинг март ойида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «General Motors» ҳамкорлигида янги қўшма корхона – «GM Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди. Завод ишга туширилгач, дастлабки босқичда «Chevrolet» русумидаги «Epica», «Captiva» ва «Tacuma» енгил автомобиллари чиқарила бошланди. Умуман, мазкур йил миллий автосаноатимиз учун чинакам тарихий давр бўлди. Хусусан, завод конвейеридан миллионинчи «Chevrolet Lacetti» автомобили чиқарилди.

2010 йилдан бошлаб компания GM глобал брендларидан фойдаланишни бошлади. Жумладан, август ойида анча такомиллаштирилган ва технологик ихчамлаштирилган «Chevrolet Spark» автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2011 йилда модернизация қилинган «Chevrolet Captiva» автомобилини йиғиш бошланган бўлса, 2012 йилнинг март ойида 2,4 литр ҳажмга эга тўрт цилиндрли двигатель ўрнатилган «Chevrolet Malibu» автомобилини ишлаб чиқариш линияси очилди. Август ойи охирида эса «Chevrolet Cobalt» автомобили оммавий ишлаб чиқарила бошланди. Сўнгги йилларда миллий автосаноатимиз автомобиллари қаторига янги русумдаги машиналар қўшилди. Хусусан, янгиланган «Lacetti», 2014 йил бошида «Orlando» мини-вени намойиш этилди.

Бугун мамлакатимиз автомобилсозлигини саноатимиз локомотиви деб айтиш мумкин. Негаки, ушбу соҳа бир-бири билан ўзаро боғлиқ тармоқларни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини барқарор таъминлаш имконини бераётир. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибида 27 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган қатор корхона ва ташкилотлар фаолият юритмоқда.



Улар орасида халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар тайёрлаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйиш имконини берадиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган автомобилсозлик ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар бор.

Тармоқни автомобилларни сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича комплекс хизматларни ташкил этмасдан ривожлантириб бўлмайди. Айни пайтда барча вилоятлар марказида автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган станциялар фаолият юритмоқда. Улар замонавий асбоб-ускуна ва диагностика воситалари билан таъминланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, нафақат «Damas», «Matiz», «Spark», «Nexia», «Lacetti», «Cobalt», «Captiva», «Malibu» ва «Orlando» енгил автомобиллари, балки юк автотранспортлари, автобуслар, махсус машиналар ва кенг турдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ҳам миллий автосаноатимизнинг муҳим йўналишларидандир.

Самарқанд автомобиль заводида автобус ва юк машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, завод Япониянинг «Isuzu Motors» компанияси билан ҳамкорлик самарасида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган транспорт воситалари юқори техник кўрсаткичлари ва замонавий дизайни билан ажралиб туради. Бу эса «СамАвто» техникаларига халқаро бозорда барқарор ўринни эгаллаш ва нуфузли ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлашиш имконини бермоқда.

«JV MAN Auto – Uzbekistan» Ўзбекистон – Германия қўшма корхонасида 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш кучига эга ишончли ва замонавий транспорт воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ушбу автотранспорт воситаларидан автомобиль ва темир йўллар қуриш ҳамда уларни реконструкция қилиш, шаҳарлараро юк ташишда самарали фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, автокранлар, бортли автомобиллар, изотермик фургонлар, сув ташийдиган ва бошқа кўплаб вазифаларни бажарадиган йўл машиналари, бетон қорадиган, дон, пахта ва чиқинди ташийдиган машиналар ҳам кенг оммалашган.

Миллий автосаноатимиз хусусида сўз юритганда, яна бир ўзига хос объект – автомобиль двигателларини ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёдаги ягона «GM Powertrain Uzbekistan» заводини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. 2011 йил ноябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган ушбу завод йилига 200 мингтагача двигатель ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, юқори технологияли асбоб-ускуналар, жумладан, эритиш ва қуйиш, алюминийга термик ишлов бериш, цилиндр блоклар тайёрлаш воситалари, автоматик йиғиш линиялари ва назорат-ўлчов қурилмалари билан жиҳозланган. Технологик жараённинг компьютерлаштирилгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш имконини бермоқда ва бу халқаро экологик хавфсизлик стандартларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда GM глобал тармоғига кирадиган хорижий автомобилсозлик корхоналарида ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган двигателлардан фойдаланилмоқда.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида 55 мингта енгил автомобиль, 1,1 мингдан ортиқ «ISUZU», 198 «MAN» русумли юк машиналари, 129,8 минг дона аккумулятор, 30 мингта куч агрегати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Айни пайтда компания ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва экспортни кенгайтириш борасида мунтазам иш олиб бормоқда. Бугун МДҲ мамлакатларида юртимиз автомобиль саноатининг 250 дан ортиқ дилери фаолият юритаётир. Россия, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон, Афғонистон, Индонезия, Бразилия, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатларга маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилган.

Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш автомобилсозликни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш жараёнига янги самарали технологияларни жорий этиш, замонавий, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва эҳтиёт қисмлар импортини қисқартириш ҳисобига валютани тежаш имконини беради.

Шу боис юртимиз машинасозлари автомобиллар учун зарур кўплаб эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида изланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бампер, автоойна ва ўриндиқлар, ўриндиқ ғилофлари, лок-бўёқ материаллар, тутун чиқарадиган қувур ва зарбга қарши тўсинлар, ёнилғи баклари, чироқ ва ёритиш приборлари, жгут, электр симлар, аккумуляторлар, ғилдирак дисклари ва шасси узеллари, ёнилғи насослари, генератор ва компрессорлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб корхоналар фаолият юритмоқда. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар юртимиздаги 200 дан ортиқ корхона билан кооперация алоқаларини ўрнатган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури соҳа корхоналари учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. «Ўзавтосаноат» корхоналари ушбу дастурга мувофиқ амортизатор, спидометр, автомобиллар учун резинотехник буюмлар, кичкина ва стационар батарея, радиатор, кондиционер ва шовқинни тўсувчи материаллар каби 60 турдан ортиқ саноат маҳсулотини маҳаллийлаштиришни режалаштирмоқда.

Янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариш муҳим йўналишлардан биридир. Хусусан, Хоразм вилоятида фойдаланишга топширилган автомобиль заводи йилига 40 мингдан ортиқ «Damas» ва «Orlando» русумли автомобилларни ишлаб чиқариш қувватига эга. «Ўзавтосаноат» компанияси маълумотларига кўра, айни пайтда корхонада «Labo» русумли янги моделни ўзлаштириш борасида иш олиб борилмоқда. «Compact LCV» сегментидаги йўловчи-юк ташиш автомобиллар оиласига мансуб ушбу машинага маҳаллий ва халқаро бозорда талаб юқори. Йирик шаҳарларда ушбу тоифадаги автомобиллар ёрдамида ҳажми унчалик кўп бўлмаган маҳсулотни етказиб бериш анча қулайдир.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси Президентимизнинг шу йил 4 мартда қабул қилинган 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширмоқда. Ушбу фармон доирасида компания «JV MAN Auto – Uzbekistan» қўшма корхонаси ва «Uzautotrailer»да кабиналар йиғиш ва юк автотранспортлари эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш, Жиззах аккумулятор заводининг технологик асбоб-ускуналарини модернизация қилиш, «Gentra», «Spark», «Cobalt», «T250» ва бошқа автомобиллар учун пластмасса деталлар, тормоз тизими таркибий қисмлари, алюминийдан эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз автомобиль саноати ўзининг ўн тўққиз йиллик тарихи давомида кўп синовларни ўтказиб, катта ўзгаришларни амалга оширди. Бугун бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда тармоқ олдига янги вазифалар қўйилмоқда. Зеро, мамлакатимиз автомобиль саноати янги марраларни забт этиш учун кенг кўламли ишларга тайёр.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида дори воситалари ва фармацевтика фаолиятига оид қонунчилик асосларини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган узлуксиз ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш ва саломатлигини муҳофазалашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Инсон саломатлигини таъминлашда тиббий ёрдам тизими билан бир қаторда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолининг сифатли дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга.

1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун бу соҳадаги ишларни ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлаётир. Истиқлолнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда атиги иккита фармацевтика корхонаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 149 тага етди. Ушбу корхоналар томонидан қарийб бир ярим минг номда дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Илм-фан, тиббиёт соҳаси, фармацевтика саноатининг кундан-кун тараққий этиши ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни тақозо этаётир. Шундан келиб чиқиб, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу йўналишдаги қонуности ҳужжатлари рўйхати шакллантирилди. Ривожланган давлатларнинг ушбу соҳага оид қонунлари қиёсий таҳлил қилинди.

Халқаро амалиётга мос равишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида аҳолини сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш меъёрлари, фармацевтика фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи барча йўналишлар қамраб олинган бўлиб, унда тегишли ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ белгиланган. Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ва зарарсизлантириш, уларни олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби, бошқа қатор масалалар қамраб олинган.

Тадбирда дори воситалари ва фармацевтика фаолиятига оид миллий қонунчилик ва халқаро тажриба, янги қонун лойиҳасининг ўзига хос жиҳатлари, унга биноан киритилаётган янгиликларнинг соҳа ривожидаги ўрни хусусида фикр алмашилди.

**Б.ХИДИРОВА**

## ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда мазкур комиссия аъзолари, сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари шаклланиши ва изчил ривожланиши учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ННТларнинг ривожланишида янги истиқболларни очиб берди. Концепцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни қабул қилингани ННТларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг барча институтларига ҳар томонлама кўмак кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қонун ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2015 йилда ННТлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа тузилмаларининг фахрийларни ҳар томонлама рағбатлантириш, ёшларни катта авлод вакилларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, аҳолининг турли қатламлари, алоҳида эҳтиёжли болаларга ижтимоий кўмак кўрсатиш, ОАВ таҳририятларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир бир қатор лойиҳаларини давлат ижтимоий буюртмаси шаклида қўллаб-қувватлаш юзасидан эълон қилинган танлов муваффақиятли ўтказилди. Унда 15 ижтимоий шериклик субъектининг 15 лойиҳаси 2 миллиард сўм миқдорида қўллаб-қувватланди.

– Танловга Болалар ижтимоий мослашув марказининг Қарши минтақавий филиали фаолиятини йўлга қўйишга оид лойиҳани тақдим этдик, – дейди ЎзА мухбирига Республика Болалар ижтимоий мослашув маркази бўлим бошлиғи Юлдузхон Умарбекова. – Ушбу лойиҳа минтақавий филиални зарур жиҳозлар билан таъминлаш, ижтимоий мослашув соҳаси кадрларининг касб малакасини ошириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш имконини беради.

Йиғилишда давлат ижтимоий буюртмалари ғолибларига сертификатлар топширилди.

**Н.УСМОНОВА**

---

Таълим

## ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистонда автомобиль ва йўл соҳалари учун замон талаблари даражасида юқори малака ва илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.***

Тошкент автомобиль-йўллар институти Ўзбекистонда автомобиль транспорти, йўл корхоналари ва автомобилсозлик заводлари учун бакалавр ва магистрлар тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юртидир.

Ёшларнинг пухта билим олиб автотранспорт ва йўл хўжалиги соҳасида мутахассис бўлиб етишишлари учун барча қулайликлар яратилган Тошкент автомобиль-йўллар институтида таълим жараёнида энг илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланилмоқда.

Куни кеча ўз мутахассислиги бўйича ўқишни муваффақиятли тамомлаган, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат фаолиятини бошлайдиган ёшларга тантанали равишда диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган институт ректори М.Арипджанов, «Узстроймеханизация» консалтинг фирмасининг бош маслаҳатчиси Р.Файзуллаев, «Ўзавтойўл» ДАК бўлим бошлиғи Б.Қосимхўжаев, «Транспорт ва йўл қурилиши» давлат унитар корхонасининг бош мутахассиси Р.Жавлиев ва бошқалар битирувчиларни табриклашар экан, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан автомобилсозлик ва транспорт коммуникациялари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Келажакда бугунги битирувчиларни ҳам ана шундай салмоқли ишлар кутиб турганини ва иқтисодиётимизнинг мазкур реал сектори корхоналарида фаолият олиб боришаркан, устозларидан олган билимларини янада оширишлари, бор куч ва маҳоратларини ишга солиб, мамлакатимизни янада ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга даъват этишди.

Бу йил Тошкент автомобиль-йўллар институтини 11 та бакалавриат таълим йўналишлари бўйича 862 нафар талаба, 14 та магистратура мутахассисликлари бўйича 98 нафар талаба битирди. Бугунги кунда уларнинг барчаси иш жойларига тақсимот қилинган.

Эътиборлиси, келгусида институтда иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб «Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти» бакалавриат таълим йўналиши, «Йўл-транспорт ҳодисалари экспертизаси», «Машиналарни синаш» ва «Химмотология» каби магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

---

***Ўтганларни хотирлаш ва қадрлаш, кексаларни эъзозлаш халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидандир.***

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Эл-юртнинг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун кураш олиб борган инсонлар хотираси ҳамиша халқимиз ардоғида. Фашизмга қарши мардлик ва жасорат кўрсатган, жанг майдонларида жонини фидо қилган, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган уруш қатнашчилари ҳамда фронт орти меҳнат фахрийларини шарафлаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ҳамда ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан «Зиё» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда «Уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионати»да истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва кекса нуронийлар ҳолидан хабар олиш мақсадида ташкил этилган тадбир ҳам шулар жумласидан.

— Ёшларни катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш ва уларга нисбатан меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш мақсадида ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олишга қаратилган «Фарзандлик бурчим» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ташриф нуронийларимиз қалбида илиқлик пайдо қилиб, қўлларини дуога очганликларини кўриш бизнинг энг катта ютуғимиздир, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қўшақов. — Бу каби тадбирлар биз, ёшларнинг келгусида эришадиган ютуқларимиз ҳамда Ватан равнақига ҳисса қўшишдек улкан шарафга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бу ташрифдан кўзланган асосий мақсад бугунги тинч ва фаровон кунларимизнинг сабабчилари бўлмиш Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиш уларнинг кўнгилларини оз бўлсада кўтариш, қолаверса, ўтган аждодларимиз руҳига ҳурмат кўрсатиш каби муқаддас қадриятларимизни янада улуғлашдан иборатдир.

**Зиёдулла САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси**

# ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ: ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

***Болаларни ҳимоя қилиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўсиши учун шароит яратиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Зеро, эртанги кунимиз қандай бўлиши бугун болаларни қандай тарбиялаётганимизга боғлиқ.***

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий халқаро ҳужжат саналади.

Ўзбекистон ушбу конвенцияни 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган. Бу эса ўз навбатида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлатимиз сиёсатининг шаклланишига ва унинг зарурий ҳуқуқий ҳамда ташкилий жиҳатдан тегишли шарт-шароитларига мустаҳкам замин ҳозирлади. Мамлакатимиз Конвенция нормаларининг бажарилиши тўғрисидаги даврий ҳисоботни БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига мунтазам равишда тақдим этиб келмоқда. Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатнинг устувор вазифаси эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқаролик тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари қабул қилинган.

Жиноят кодексининг 5-боби ва Жиноят-процессуал кодексининг 60-боби вояга етмаганларнинг жиноят ишини кўриб чиқиш ҳамда уларга жазо тайинлаш масалаларига бағишланган. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига таааллуқли бўлган барча суд мажлислари ёпиқ тарзда, уларнинг қонуний вакиллари, педагог, психолог ва адвокатлар иштирокида ўтказилиши назарда тутилади.

2008 йилнинг 8 январидан кучга кирган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга биноан бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини ошириш ушбу қонуннинг асосий мақсади ҳисобланади. Унда бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмас. Давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хатти-ҳаракатлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шаклларидан, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан ҳимоя қилади (10-модда).

2010 йилнинг 29 сентябрида қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ҳуқуққа зид ҳаракат содир этган вояга етмаганларни огоҳлантириш жараёнида иштирок этувчи ота-оналар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари тизими белгиланган.

Ҳар бир мамлакатнинг бугуни ва келажаги, том маънода, таълим тизимининг қай даражада ривожланганини, баркамол авлодни тарбиялаш учун яратилган шарт-шароитлар, ислоҳотларнинг натижалари билан белгиланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий, бепул таълим тизими жорий этилди. Унга кўра ўқувчилар 9 йиллик умумтаълим мактабларида ўқишади, сўнг 3 йил коллеж ва лицейларда таълим олишади. Уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга, меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди. Замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер ва ишлаб чиқариш анжомлари билан жиҳозланган ушбу таълим муассасаларида ўқувчилар нафақат чуқур билим олиш, балки замонавий техника ва технологияларни ҳам ўзлаштириш имконига эга. Ўзбекистонда ҳар йили таълим жараёнини ислоҳ этиш учун сарфланаётган маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этиб, давлат бюджети харажатларининг 35 фоизи шу соҳага йўналтирилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд мактабларда таълим ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Юртимизда Европа ва Осиё мамлакатларининг нуфузли олий ўқув юртлари ўз филиалларини очган.

Таълим муассасаларида ўқувчиларга кенг ва профессионал билим эгаллаши билан бирга, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилишлари, бугун дунёда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиши, хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 10 декабрда «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришда фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда 51,7 минг нафардан зиёд чет тили ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5-9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар яратилди, умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари жиҳозланди.

2014 йил 6 февралда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаолиятини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, каби устувор йўналишлар белгилаб олиниб, янада кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишда спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис давлат бюджети ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштирилувчи Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида мазкур фонд маблағлари ҳисобидан 1500 дан ортиқ замонавий спорт иншоотлари қурилди. Ҳар йили бўлиб ўтадиган, уч босқичдан иборат (мактаб ўқувчилари учун «Умид ниҳоллари», лицей ва коллеж ўқувчилари учун «Баркамол авлод», олий ўқув юрти талабалари учун Универсиада) спорт мусобақалари тизими шакллантирилди. Бу эса юз минглаб болалар, ўсмирлар, йигит ва қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида соғлом она ва бола миллий модели шакллантирилиб, эндиликда унинг самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилди. Ихтисослаштирилган тиббий марказлар,биринчи бўғин соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг қамровли тармоғи, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий тиббиёт принципларига ўтиш ҳисобига, биринчи ўринда қишлоқдаги болалар ва аёлларга малакали тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш шарт-шароитлари таъминланди.

Мамлакатимизда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатининг изчил амалга оширилиши, Ватанимиз келажаги ҳақидаги ғамхўрлик, халқимизнинг ўз фарзандларининг бахтли ва фаровон бўлиши ҳақидаги ўйлари билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**
**юридик фанлари доктори**

**Юксак маънавият – енгилмас куч**

# ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ САРИ

***Пойтахтимизда Ўзбек жанг санъати федерацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ёшларни турли иллатлар ва ёт ғоялардан ҳимоя қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш баробарида уларнинг маънавиятини юксалтириш, қалби ва онгига ватанпарварлик, юртга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояларини сингдиришга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Лекин бугунги глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» ниқоби остидаги турли маънавий хуружлар, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган зарарли ахборотлар, жангари ўйинлар ёшларнинг онгини заҳарлаётгани сир эмас. Фарзандларимизнинг бу иллатлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини янада кучайтириш зарур.

– Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларни огоҳликка чақириш, уларни турли иллатлар ва ёт ғоялардан асращдан иборат, – дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пўлат Усмонов. – Зеро, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётган ёшлар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шундай экан, уларни нафақат жисмонан соғлом, балки дунёқараши кенг, иродали, қатъиятли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Халқимизнинг миллий спорт тури – ўзбек жанг санъати инсон саломатлигини мустаҳкамлаб, уни ўзлигини англаш, миллий қадриятларимиз, тарихимиз, буюк аждодларимизга ҳурмат, юртни севиш руҳида тарбиялашни тарғиб қилади. Мазкур спорт туридаги машқларнинг «Ватан», «Амир Темур», «Баркамол авлод», «Қалқон» каби номлар билан аталишида ҳам ана шу эзгу мақсадлар мужассам.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ташкил этилган ўзбек жанг санъати секцияларида минглаб ўғил-қизлар мураббийлардан ушбу спорт сирларини пухта ўрганмоқда. Мусобақа ва чемпионатларда ўз иқтидорини намоён этган ёшлар терма жамоага жалб қилинмоқда. Юртимиз спортчилари халқаро миқёсдаги турли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётир.

– Ўзбек жанг санъати билан олти йилдан бери шуғулланаман, – дейди Мафтуна Икромова. – Бу каби тадбирлар биз, ёшларни янада огоҳликка чорлайди. Мамлакатимиздаги бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бор куч, билим ва салоҳиятимизни Ватанимиз равнақи йўлида сафарбар этишга ундайди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

**«Камолот»**

# ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани Кенгаши қошида ёшлар учун ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» томонидан тумандаги «Боғишамол» маҳалласида кўчма тўгараклар ташкил этилди.***

Таъкидлаш жоизки, ёшлар бу тўгаракларда мунтазам равишда таҳсил олиб, турли ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан маҳалла ёшларининг мустақил ҳаётга кириб келишларида, уларнинг ижтимоий фаоллиги, маънавий баркамоллигини, ахлоқий тарбияси ҳамда юксак ҳуқуқий маданиятини оширишда кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2008 йилда Кенгаш қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» ташкил этилган. Шу қисқа вақт давомида 5000 дан зиёд ёшларга билим, касб-ҳунар ўргатилди.

— Юнусобод туман «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»да йил давомида ёшлар машғул бўлишади, айниқса ёзги мавсум марказ ходимлари учун жуда масъулиятли давр ҳисобланади, — дейди ЁИХМнинг тўгарак раҳбари Зулфия Карабаева. — Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам марказда ёшларнинг кети узилмайди. Қувонарлиси эса ёшлар билим ва ҳунар ўрганишдан ташқари турли кўргазма ва тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

«Камолот» ЁИҲнинг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларини бепул ўқув курсларига жалб этиш ҳамда маънавий ҳордиқ чиқариш мақсадида марказ тўгарак ўқитувчилари томонидан «Тилларни ўрганамиз», «Моҳир қўллар», «Соғломлаштириш-рақс» кўчма тўгараклари жадвал асосида тумандаги мактаблар қошидаги ёзги оромгоҳларда ва маҳаллаларда ташкил этилди. Улар бу тўгараклар ёрдамида оромгоҳда дам олувчи ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, қўшимча билимлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган.

Тадбирда маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг ўрганган билимлари намойиши ва иқтидорли ёшларнинг чиқишлари бўлиб ўтди.

Юнусобод туманидаги мактабларда белгиланган режа асосида қизиқарли тарзда машғулотлар ўтказилмоқда. Марказ ёзги таътил кунлари болаларни билимга ўргатиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда, ўз фарзанди тақдири учун қайғураётган ота-оналар учун ҳам беминнат хизмат қилиб келмоқда.

**Садоқат ЗАРИПОВА**



***Устоз-шогирд анъаналари давом этмоқда***

**Темур Мамадаминов олган сурат**

***Яшнобод туманидаги «Беҳизор» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» шиори остида «Гиёҳвандликка қарши кураш барчанинг вазифаси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

# САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Республикамизда гиёҳвандликка қарши тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам ўтказилиб, бу йўналишдаги жиноятларнинг илдизини қирқишнинг самарали чоралари кўрилмоқда. Мазкур турдаги қонунбузарликка йўл қўяётганларга нисбатан белгиланадиган жазолар ҳам кескин. Аммо қалби кўр кимсаларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қолмайди. Уларни оилалар, жамият кўрадиган зарар бир зум ҳам ўйлантирмайди.

Тадбирда сўз олган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Минаварходжаев, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Муқаддас Раззоқова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси бош мутахассиси М.Мадаминова, шаҳар наркология диспансери нарколог шифокори Моҳира Мўминова ва бошқалар дунё аҳлини ташвишга солаётган гиёҳвандлик иллати ёшларимизни ҳам ўз домига тортиши эҳтимоли борлиги, инсонга бир марта бериладиган ҳаётда тўғри йўлдан адашмаслик, ўз келажаги учун бефарқ бўлмаслик муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

— Гиёҳванд моддаларга ружу қўйганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этиши ачинарли ҳол, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Муқаддас Раззоқова. — Энг хавфлиси, гиёҳванд моддаларга кўникиб қолган инсон захри қотилга эҳтиёж пайдо бўлганида ўзини унутади. Ҳеч иккиланмасдан жиноятга қўл уради. Унинг учун қадриятлар аҳамиятини йўқотади. Бу эса руҳий ва жисмоний тубанлашувга олиб келади. Ачинарлиси, гиёҳвандликка берилиши натижасида киши ёлғиз ўзига зарар етказмайди. Унинг теварагидагилар жабр кўради. Мамлакатимизда ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом, маънан баркамол бўлиб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан ёшларимизни огоҳликка чорлаб, соғлом турмуш тарзи муҳимлигини уқтирайлик.

Тадбирда «Зулматаро» фильми намойиш этилди. Намойишдан сўнг йиғилганлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатларини намоён этувчи расмлар кўргазмаси уюштирилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**«101»**

# ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

***Ёнғин офати ва унинг зарарли оқибатлари ҳақида энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодга уқтирилса яхши самара беради.***

Маълумки, ёнғин катта талофатлар келтирувчи офат бўлиб, халқ мулки, турар жойимизни ундан асрашда тарғиботнинг ўрни муҳимдир. Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари шу мақсадда кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, жойлардаги учрашувларда аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича амалий кўрсатмалар бериб келинмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад ёнғинга қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олишга кенг аҳолини жалб этишдан иборатлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, «тилсиз ёв» билан курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиор ҳар бир фуқаро, хонадон, маҳалла, корхона-ташкилот, муассасага тааллуқлидир. Таҳлилларга кўра, аксарият ёнғинлар аҳоли турар жойларида содир бўлар экан. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, фуқароларимизга қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларини эслатиб ўтмоқчимиз:

- Очиқ алангадан фойдаланганда эҳтиёткорлик чораларини кўринг ва тез аланга олувчи суюқликлар (бензин, керосин)дан фойдаланманг;
- Маҳаллалардаги бинолар, уйлар ҳамда шахсий хонадонларда чиқиндилар, шох-шаббалар ва хазонларнинг ёқилишига йўл қўйманг;
- Ёқиб қўйилган электр иситиш асбоблари, дазмол, плита, телевизор ва компьютерларни назоратсиз қолдирманг;
- Электр билан ишлайдиган анжомларнинг соз эканлигини мунтазам тарзда назорат қилиб туринг ва электр симларнинг уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг;
- Ёш болаларни ёлғиз назоратсиз қолдирманг ва гугурт ёки пиротехника воситаларидан фойдаланишга йўл қўйманг;
- Ёнғин ҳақида бирор бир хавф-хатарни сезсангиз дарҳол «101» рақамига қўнғироқ қилиб, манзил ҳақида аниқ хабар беринг.

Юқоридаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, барча фуқароларимизни ёнғин офатидан сақланишларига, оиламиз, яқинларимиз тинчлиги ва мол-мулкимизни ёнғин офатидан асраб қолган бўламиз. Шуни ёдда тутинг, ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган осонроқ.

**Дилшод БОЛЕГЕНОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 23-ҲЁХҚ**
**катта инспектори, сержант**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Ер сайёраси». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ҳаёт». Х/ф.
9.30 «Тонгги газета». Т/с.
10.15 1. «Наўпир». 2. «Чинсэн».
10.45 «Кунларнинг бирида».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Шимол ва Жануб». Б/ф. 4-қисм.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Менинг боғим».
14.35 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
15.15 «Иқлим».
15.30 «Ливерпуль дарвазабони». Б/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Электр нурлари». Х/ф.
17.40 «Кўзгудаги юрт».
18.00 «Иқлим».
18.10 Миллий сериал: «Ҳаёт жилғалари».
18.40 «Қўқон: Жомеъ масжиди».
18.55 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 – 23.40 «Муносабат».
23.40 «Кунларнинг бирида».
23.55 «Кўзгудаги юрт».
00.10 Миллий сериал: «Ҳаёт жилғалари».
00.40 «Менинг боғим».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
2.30 «Сукунат». Б/ф.
3.30 «Денгиздан томчи».
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 «Қўриқхона манзаралари». Х/ф.
5.35 – 5.55 «Хонадон файзи».

### Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Қалпоқ». Ҳажвия.
6.40 «13-студия».
7.00 «Ворислар». Т/с.
7.50 «Ёшлик наволари».
8.10 «Канизак Изаура». Т/с.
8.50 «Биз киммиз?»
9.00 «Навоий набиралари».
9.30 «Қорақалпоқ ёшлари».
9.50 «Истиқлол солномаси».
10.00 «Давр».
10.10 «Алвон елканлар». Б/ф.
11.40 «Истиқлол қайтарган номлар».
12.00 «Олтин даврим». Т/с.
12.50 «Истиқлол солномаси».
13.00 «Давр».
13.10 «Темир ниқобли одам». Б/ф.
15.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Юрт келажаги».
15.50 «Истиқлол солномаси».
16.00 «Давр».
16.10 «Сенга ошиқман». Т/с.
17.00 «Нуқтаи назар».
17.30 «Такси-2». Б/ф.
18.50 «Истиқлол солномаси».
19.00 «Давр».
19.30 «Ворислар». Т/с.
20.20 «Парвоз завқи».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Сенга ошиқман». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Оқсоч хоним». Б/ф.
00.20 «Шарқ гавҳари»
2.00 «Афсона ва ҳақиқат».
3.00 «Амир Темур». Х/ф.
4.00 «Эъзоз ва эҳтиром».
4.30 «Ибн Сино». Х/ф.
5.30 – 6.00 «Давр».

### Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Фидойилар».
6.55 «Тошкент вақти».
9.10 «Муҳаббат тантанаси». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Хорошая жена». Т/с.
11.15 «Свадебный переполох». Х/ф.
13.10 «Шаг за шагом».
13.40 «Пойтахт-интервью».
13.50 «Poytaxt-biznes».
14.10 «Тошкент вақти».
15.10 «Уч атиргул». Т/с.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.15 «Мактуб». Б/ф.
17.50 «Пойтахт-Hi-tech».
18.15 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Обод хонадон».
18.40 «Мобильная камера».
18.50 «Пойтахт-репортаж».
19.00 «Телемаркет».
19.15 «Муҳаббат тантанаси». Т/с.
20.20 «Уч атиргул». Т/с.
21.00 «Кўзгудаги биз».
21.45 «Телемаркет».
22.20 Миллий кино: «Сотқин». /Премьера/.
00.50 «Poytaxt-avto».
1.00 «Poytaxt-eko».
1.10 «Хорошая жена». Т/с.
2.10 Миллий кино: «Ажойиб хаёлпараст».
3.25 «Дилбандим» тележурнали.
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

### Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Военное дело».
6.30 АНОНС.
6.35 «Челси: Мовийлар тантанаси». Ҳужжатли фильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-ONLINE».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Бавария» (Германия) – «Гуанчжоу» (Хитой).
10.00 АНОНС.
10.05 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
11.05 Велоспорт.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-ONLINE».
13.00 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Волейбол.
15.30 АНОНС.
15.35 «Нишонга олдим».
15.45 Профессионал бокс.
16.40 АНОНС.
16.45 Теннис.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Ифтихоримсан, спорт!»
19.10 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
20.00 АНОНС.
20.05 «Матонат».
20.25 «Спорт-маркет».
20.30 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 «SPORT REPORT».
22.10 АНОНС.
22.15 Интерфутбол.
00.00 АНОНС.
00.05 Волейбол.
1.15 АНОНС.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.40 АНОНС.
1.45 «Енгилмаслар». Ҳужжатли фильм.
3.45 Велоспорт.
4.35 АНОНС.
4.40 – 6.00 Теннис.

### Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Наедине со всеми»
08.00 Новости
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.35 Т/с «Ветреная женщина»
13.15 «Без свидетелей»
14.00 Новости
14.20 «Мужское/Женское»
16.05 «Жди меня»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Поле чудес»
20.00 «Время»
20.30 «Три аккорда»
22.10 Х/ф «Тот самый Мюнгхаузен»
00.35 Х/ф «Где моя тачка, чувак?»
01.55 Х/ф «Дорога к морю»
03.10 Х/ф «Неудобный человек»

### Россия

05.00, 09.15 «Утро России».
05.40, 14.50 Вести. Дежурная часть.
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
10.00 «О самом главном».
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия».
12.55 «Особый случай».
15.00 Т/с «Марьина роща».
18.15 «Прямой эфир».
21.00 Церемония открытия чемпионата мира по водным видам спорта.
23.30 Х/ф «Любовь и немного перца».
01.30 «Живой звук».
03.20 «Горячая десятка».
04.25 «Семь нот для Безымянной высоты. Правда о подвиге».

### НТВ

05.00 «Солнечно. Без осадков»
07.10 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
09.20 Т/с «Дорожный патруль»
11.00, 12.20 Суд присяжных
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
14.00, 15.20 Т/с «Москва. Три вокзала»
18.40 Т/с «Одиссея сыщика Гурова»
22.30 «Большое путешествие»
23.30 Х/ф «Громозека»
01.35 Дикий мир
02.05 Т/с «Город соблазнов»
04.00 «Все будет хорошо!»

## ЖУМА, 24

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Аҳдга садоқат». Б/ф. 1-қисм.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Богус». Б/ф.
10.20 «Иқлим».
10.35 «Бизнес-старт».
11.00 «Ўзингни англа». Ток-шоу.
11.45 «Кунларнинг бирида».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Сирли боққа қайтиш». Б/ф.
14.30 «Билимдон». Интеллектуал танлов.
15.30 «Маликаларни ҳимоялаш дастури». Б/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Авиатор». Б/ф.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил ободлиги».
22.00 «Кўрганларимиз ҳақида».
22.25 – 00.30 «Руҳ». Б/ф.
00.30 «Кўрганларимиз ҳақида».
00.55 «Иқлим».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
2.30 «Қайдасан, Оймомо?» Б/ф.
3.50 «Шарқ тароналари».
4.00 «Ахборот».
4.40 «Кўнгил ободлиги».
5.00 «Иқлим».
5.10 – 5.55 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.

### Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Имкон-шоу».
7.00 «Ворислар». Т/с.
7.50 «Ёшлик наволари».
8.10 «Бахтли одамлар». Б/ф.
9.50 «Ўзингдан қўймасин».
10.00 «Давр».
10.10 «Ёзги саргузашт». Б/ф. (Премьера).
11.30 «Ажабқишлоқ ҳангомалари».
12.00 «Ишонч». Б/ф. (Премьера).
12.30 «Парвоз завқи».
12.50 «Истиқлол солномаси».
13.00 «Давр».
13.10 «Бриллиант қўл». Б/ф.
14.50 «Соғлом ҳаёт».
15.10 «Атир». Б/ф.
15.50 «Истиқлол солномаси».
16.00 «Давр».
16.10 «Сенга ошиқман». Т/с.
17.00 «Қалпоқ». Ҳажвия.
17.30 «Такси-3». Б/ф.
18.50 «Истиқлол солномаси».
19.00 «Давр».
19.30 «Ворислар». Т/с.
20.20 «Ош бўлсин!»
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Сенга ошиқман». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Юра даври дунёси». Б/ф. (Премьера).
00.30 «Раҳмат, ака!»
3.10 «Шарқ гавҳари».
3.50 «Табиат қўшиғи».
5.30 – 6.00 «Давр».

### Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.10 «Сады мира». Д/ф.
6.50 «Poytaxt-eko».
7.00 «Тошкент вақти».
9.00 «Poytaxt-madaniyat».
9.10 «Муҳаббат тантанаси». Т/с.
9.50 «Мобиль камера».
10.20 «Хорошая жена». Т/с.
11.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Азим Тошкент».
11.30 «Сифат назорати».
12.10 «33 несчастья». Х/ф.
13.50 «Пойтахт-репортаж».
14.10 «Тошкент вақти».
15.00 «Ахборот-ҳамкор».
15.10 «Уч атиргул». Т/с.
15.50 «Poytaxt-reportaj».
16.15 «Одам-амфибия». Б/ф.
17.50 «Пойтахт-Hi-tech».
18.15 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Кўзгудаги биз».
19.00 «Телемаркет».
19.15 «Муҳаббат тантанаси». Т/с.
20.20 «Уч атиргул». Т/с.
21.00 «Олинг-олинг».
21.30 «Poytaxt-Hi-tech».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Тошкент вақти».
23.20 «Загнанный». Х/ф. /Премьера/.
00.50 «Мобиль камера».
1.00 «Poytaxt-eko».
1.10 «Хорошая жена». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Мактуб». Б/ф.
3.35 «Пойтахт йўлларида».
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

### Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Ифтихоримсан, спорт!»
6.25 «Челси: Мовийлар тантанаси». Ҳужжатли фильм.
6.45 Волейбол.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Интерфутбол.
9.55 АНОНС.
10.00 «Спортимиз маликалари».
10.30 АНОНС.
10.35 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
11.25 АНОНС.
11.30 «RING».
12.00 АНОНС.
12.05 Велоспорт.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.10 АНОНС.
14.15 Автомотоспорт.
15.05 Теннис.
16.20 АНОНС.
16.25 Сув спорти. Жаҳон чемпионати.
17.30 АНОНС.
17.35 «Спорт сайёраси».
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Шоҳсупага йўл».
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
19.55 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Севилья» (Испания) – «Вердер» (Германия). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Спорт-маркет».
21.55 АНОНС.
22.00 ХАБАРЛАР.
22.20 АНОНС.
22.25 «SPORT REPORT».
22.40 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Фулхэм» (Англия) – «Айнтрахт» (Германия).
00.20 АНОНС.
00.25 Волейбол.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
01.50 АНОНС.
01.55 Велоспорт.
2.45 Сув спорти. Жаҳон чемпионати.
3.50 Автомотоспорт.
4.40 АНОНС.
4.45 – 06.00 Теннис.

### Первый канал

04.50 Х/ф «Аленка»
05.00 Новости
05.10 «Аленка». Продолжение
06.25 Х/ф «Служили два товарища»
08.05 «Играй, гармонь любимая!»
08.45 «Слово пастыря»
09.00 Новости
09.10 Смак
09.50 «Владимир Высоцкий. «Я не верю судьбе...»
10.45 «Смешарики. Новые приключения»
11.00 Новости
11.15 «Идеальный ремонт»
12.05 Т/с «Личная жизнь следователя Савельева»
14.00 Новости
14.20 Т/с «Личная жизнь следователя Савельева»
15.55 «Кто хочет стать миллионером?» с Дмитрием Дибровым
17.00 Вечерние новости
17.15 «Угадай мелодию»
17.55 Коллекция Первого канала. «Достояние Республики: Владимир Высоцкий»
20.00 «Время»
20.20 «Сегодня вечером»
21.50 «КВН». Премьер-лига
23.15 Х/ф «Вербовщик»
00.45 Х/ф «Сестрички Бэнгер»
02.25 Х/ф «Хлеб и розы»

### Россия

06.00 Х/ф «Убить «Шакала».
07.30 «Сельское утро».
08.00, 11.00, 14.00, 20.00 Вести.
08.20, 11.20, 14.30 Вести-Москва.
08.30 «Планета собак».
09.05 «Укротители звука».
10.05 «Конструктор русского калибра».
11.30 «Кулинарная звезда».
12.35 Х/ф «Золотые небеса».
14.40 Х/ф «Золотые небеса».
15.10 «Субботний вечер».
17.05 «Улица Веселая».
18.00 Х/ф «Ты будешь моей».
20.35 Х/ф «Дочь за отца».
00.30 Х/ф «Напрасная жертва».
02.20 Х/ф «Подмосковные вечера».
04.15 «Комната смеха».

### НТВ

05.05 Т/с «Пляж»
07.00, 09.00, 12.00, 18.00 Сегодня.
07.20 «Хорошо там, где мы есть!»
07.50 Их нравы
08.25 «Готовим с Алексеем Зиминым»
09.20 Главная дорога
09.55 «Поедем, поедим!»
10.55 Квартирный вопрос
12.20 Своя игра
13.10 Х/ф «Мститель»
17.00 Следствие вели...
18.20 «Летнее Центральное телевидение»
19.00 «Самые громкие русские сенсации»
21.00 Ты не поверишь!
21.30 «Хочу v ВИА Гру!»
23.35 «Сегодня. Вечер. Шоу»
01.25 Д/ф «Русский тигр»
02.15 Т/с «Город соблазнов»
04.05 «Все будет хорошо!»

## ШАНБА, 25

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Аҳдга садоқат». Б/ф. 2-қисм.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Жаҳонгашта Юхан». Б/ф.
10.50 «Иқлим».
11.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.45 «Кунларнинг бирида».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 Ҳинд киноси: «Сўнгги пушаймон».
15.25 «Иқлим».
15.35 «Нозик хилқатлар». Б/ф.
16.55 «Учбурчак». Ток-шоу.
17.45 «Шартаки Жо». Б/ф.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» /рус/.
20.05 «Ўзингни англа». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Заковат».
22.40 – 00.20 «Ҳаёт завқи». Б/ф.
00.20 «Ўзингни англа». Ток-шоу.
1.00 «Таҳлилнома» /рус/.
1.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
2.30 – 4.00 «Шум бола». Б/ф.
Қадрли телетомошабинлар! 04.00 – 14.00 га қадар «O`zbekiston» телеканали дастурларида профилактика.

### Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Ойна». Спектакль.
7.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
8.00 «Ўзингни асра».
8.10 «Дала ҳовли». Б/ф.
9.40 «Истиқлол солномаси».
9.45 «Omad lotto».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Тебраниш». Б/ф.
12.10 «Ош бўлсин!»
12.30 «Эъзоз ва эҳтиром».
13.00 «Истиқлол солномаси».
13.10 «Ҳаёт пульти». Б/ф.
14.50 «Тараннум».
15.30 «Алоқа». Б/ф.
17.10 «Қизлар мактаби».
17.30 «Такси-4». Б/ф.
18.50 «Истиқлол солномаси».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Ёшлик наволари».
19.50 «Имкон-шоу».
20.50 «Ака-ука рақиблар». Б/ф. (Премьера).
23.10 «Ҳаёт симфонияси».
00.00 «Навоий набиралари».
00.30 «Ватанпарвар».
1.10 «Зар ёмғир».
2.10 «Илҳом қанотлари».
4.00 – 14.00 Профилактика.

### Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00 «Дворец мечты в Дубае». Д/ф.
6.45 «Мобильная камера».
7.00 «Тошкент вақти».
9.00 «Бахт қўрғони».
9.30 «Пазанда».
10.00 Ҳинд киноси: «Жоним фидо».
12.30 «Олинг-олинг».
13.00 «Ҳикматли дунё»: «Сароб».
13.40 «Дилбандим» тележурнали.
14.10 «Тошкент вақти».
15.00 «Пойтахт-культура».
15.10 «Нью-Йоркдаги лаҳзалар». Б/ф.
16.40 «Обод хонадон».
17.00 «Кадр ортида».
17.20 «Poytaxt-avto».
17.35 Миллий кино: «Йўқолган одам». Б/ф.
18.50 «Мобиль камера».
19.00 «Телемаркет».
19.15 «Мен сизга айтсам».
20.00 «Тошкент вақти».
21.00 «Рангли телевизор».
21.40 «Телемаркет».
21.55 «Землетрясение». Х/ф. /Премьера/.
00.05 «Дастур асосида».
00.35 «Пойтахт-культура».
00.45 «Профессионал».
1.05 «Саломат бўлинг!» тележурнали.
1.35 «Poytaxt-avto».
1.45 «Ҳикматли дунё» теленовелла.
2.10 «Мобиль камера».

## ЯКШАНБА, 26

2.20 «Пойтахт-Hi-tech».
2.30 – 4.00 «Одам-амфибия». Б/ф.
4.00 – 14.00 Профилактика.

### Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Волейбол.
7.10 Сув спорти. Жаҳон чемпионати.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Севилья» (Испания) – «Вердер» (Германия).
9.55 АНОНС.
10.00 «Шоҳсупага йўл».
10.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Военное дело».
11.00 АНОНС.
11.05 Велоспорт.
11.55 «Матонат».
12.15 АНОНС.
12.20 «Қувноқ стартлар».
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 «Қорақалпоқ спорти».
13.15 АНОНС.
13.20 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
14.20 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Фулхэм» (Англия) – «Айнтрахт» (Германия).
16.00 АНОНС.
16.05 Автомотоспорт.
16.55 «Иншо». Теленовелла.
17.05 АНОНС.
17.10 Теннис.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Спорт сайёраси».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Соғлом турмуш сари».
19.35 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
20.25 «Спорт-маркет».
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Халл Сити» (Англия) – «Ганновер 96» (Германия). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «SPORT-REPORT».
22.55 АНОНС.
23.00 Сув спорти. Жаҳон чемпионати.
00.00 АНОНС.
00.05 От спорти.
1.05 АНОНС.
1.10 Велоспорт.
2.00 Теннис.
3.00 АНОНС.
3.05 Автомотоспорт.
3.55 – 4.00 АНОНС.
ПРОФИЛАКТИКА. Соат 04.00 дан 14.00 гача.

### Первый канал

05.00 Новости
05.10 «В наше время»
05.55 Х/ф «Случай в квадрате 36–80»
07.10 «Служу Отчизне!»
08.00 «Нырнуть в небо»
09.00 Новости
09.10 Ирина Муромцева, Алексей Пивоваров в проекте «Парк». Новое летнее телевидение
10.45 «Смешарики. ПИН-код»
11.00 Новости
11.15 Фазенда
11.45 «Черно-белое»
15.30 «Василий Шукшин. Самородок»
16.25 Коллекция Первого канала. «Дискотека 80-х»
18.00 Коллекция Первого канала. «Клуб Веселых и Находчивых». Летний кубок в Сочи
20.00 «Время»
20.20 Комедия Леонида Гайдая «Бриллиантовая рука»
22.00 «Танцуй!»
23.50 Х/ф «Срочное фото»
01.25 Х/ф «Можешь не стучать»

### Россия

05.05 Х/ф «Назначение».
07.00 Х/ф «Первый после Бога».
09.10 «Смехопанорама».
09.40 «Утренняя почта».
10.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
11.00, 14.00, 20.00 Вести.
11.10 Т/с «Родители».
12.10 Х/ф «Дорогая моя доченька».
14.10 «Смеяться разрешается».
15.50 Х/ф «Не было бы счастья...».
21.00 Х/ф «Не было бы счастья-2».
00.45 Х/ф «Маша».
02.45 «Конструктор русского калибра».
03.45 «Комната смеха».

### НТВ

05.05 Т/с «Пляж».
07.00, 09.00, 12.00, 16.40 Сегодня.
07.15 Лотерея «Русское лото плюс».
07.50 Их нравы.
08.25 Едим дома.
09.20 Главная дорога.
09.55 «Город-убийца». Научное расследование Сергея Малоземова.
10.55 «Дачный ответ».
12.20 Т/с «Морские Дьяволы. Судьбы».
14.20 Чемпионат России по футболу 2015/2016. «Урал» – «Зенит». Прямая трансляция.
17.00 Следствие вели....
18.00 «Акценты». Информационная программа.
18.30 Чистосердечное признание.
19.20 Х/ф «След тигра».
21.20 Х/ф «Тропою тигра».
22.20 Х/ф «По следу тигра».
23.15 «Большая перемена».
01.10 Дикий мир.
02.00 Т/с «Брачный контракт».
04.00 «Все будет хорошо!»

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**Сергели Политехника касб-ҳунар коллежи ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари:**

Касб-ҳунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

**1.** Сўровнома (справка-объективка);
**2.** Таржимаи ҳол;
**3.** Олий маълумот ҳақида диплом нусхаси;
**4.** Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
**5.** Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
**6.** 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
**7.** Паспорт (нусхаси);
**8.** Тавсифнома;
**9.** Меҳнат дафтарчасидан нусха;

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.**

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2015 йил 14 апрелдаги 10-0115/01-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси 371-уй манзилида жойлашган 5 қаватли бинонинг «HERMES GROUP» МЧЖга тегишли, жами 1526 кв.м, ишлаб чиқариш ва турар-жой майдони 1257,78 кв.м бўлган 2 ва 3 қават қисми қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 1 800 000 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2015 йил 24 август куни соат 12:00 да бўлиб ўтади**. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 21 август куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент Туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ҳамда маъмурий хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига вакант бўш иш ўринларига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Аризалар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Телефон: 252-23-31.

Чилонзор тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 16.02.2009 йил №004614-08 рўйхатдан ўтган Чилонзор тумани, Бунёдкор 7-А уйда жойлашган «Тошшаҳэкосертификат» ДК ИНН 301066368, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 3.07.2015 йил №145-сонли ва «Бошдавэкосертификат» ДУК 13.07.2015 №9-сонли буйруқларига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони-5, «Бошдавэкосертификат» ДУК манзили бўйича қабул қилинади.
Тел: 239-42-56, 239-13-69

Мирзо Улуғбек тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 4.10.2010 йил №04-0001142 рўйхатдан ўтган М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси 71-уйда жойлашган «Тошвилэкосертификат» ДК (ИНН 203 423 992), Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 3.07.2015 йил №145-сонли ва «Бошдавэкосертификат» ДУК 13.07.2015 йил №9-сонли буйруқларига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони-5, «Бошдавэкосертификат» ДУК манзили бўйича қабул қилинади.
Тел: 239-42-56, 239-13-69.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2015 йил 13 июль кунги 142-сонида чоп этилган хабарномага қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда:

— 2015 йил 28 июль кунги аукцион савдо санаси «2015 йил 4 август» деб ўқилсин.

— аукцион савдосида қатнашиш учун тўланадиган закалат пули: «кўчмас мулк бошланғич нархининг 50% миқдоридан кам бўлмаган» деб ўқилсин.

***«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.***

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **21 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр, кучайган ҳолатда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 июль** ва **22 июль** куни эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 755

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6711 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5